

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.09.2020.К.82.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОРЗИКУЛОВ БУНЁД ТОШМИРЗАЕВИЧ**

**ПОЛИАКРИЛОНИТРИЛ АСОСИДА АЗОТ ВА ФОСФОР ТУТГАН**  
**ПОЛИКОМПЛЕКСОНЛАРНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

**02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2021**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
chemical sciences**

**Орзикулов Бунёд Тошмирзаевич**

Полиакрилонитрил асосида азот ва фосфор

тутган поликомплексонларнинг физик-кимёвий хоссалари..... 3

**Орзикулов Бунёд Тошмирзаевич**

Физико-химические свойства азот и фосфор содержащих

поликомплексонов на основе полиакрилонитрила..... 21

**Orzikulov Bunyod**

Physicochemical properties of nitrogen and phosphorus-containing

polyacrylonitrile-based polycomplexes..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.09.2020.К.82.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОРЗИКУЛОВ БУНЁД ТОШМИРЗАЕВИЧ**

**ПОЛИАКРИЛОНИТРИЛ АСОСИДА АЗОТ ВА ФОСФОР ТУТГАН**  
**ПОЛИКОМПЛЕКСОНЛАРНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

**02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар**

**КИМЁ ФАHLАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/К300 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.cspi.uz.ilmiy-kengash](http://www.cspi.uz.ilmiy-kengash)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Гафурова Дилфуза Анваровна**  
кимё фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Каримов Махмуд Муродович**  
кимё фанлари доктори

**Бекназаров Хасан Сойибназарович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти хузуридаги DSc.03/30.09.2020.К.82.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «18» 09 соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, Амир Темура кўчаси, 104-уй. Тел.: (0370) 716-68-05, факс (0370) 716-68-11; e-mail: tvchdpi\_k.kengash@umail.uz).

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 43 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111720, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, Амир Темура кўчаси, 104-уй. Тел.: (0370) 716-68-05, факс (0370) 716-68-11; e-mail: tvchdpi\_k.kengash@umail.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил « 15 » 09 куни тарқатилди.

(2021 йил « 15 » 09 даги 5 рақамли реестр баённомаси).



**О.Э.Зиядуллаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раиси к.ф.д., доцент

**Г.Қ.Отамухамедова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
котиби к.ф.ф.д. (PhD)

**А.С.Рафиков**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
к.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда саноат ишлаб чиқаришининг жадал ривожланишида ҳамда экологик муаммоларни ҳал этишда, рақобатбардош ва экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқаришда замонавий технологиялар кенг миқёсда ишлатилиб келинмоқда. Айниқса, бу саноат миқёсида сувни тайёрлашда, технологик эритмалардан қимматбаҳо ва рангли металлларни ажратиш олишда, оқава сувларни замонавий, жумладан, ионалмашиниш технологияларни қўллаган ҳолда тозалашда яққол намоён бўлмоқда. Экологик жиҳатдан хавфсизлиги, таннархининг пастлиги, қўлланишдаги қулайлиги ва кўп марталик регенерация қилиш имкониятининг мавжудлиги туфайли ионалмашинувчи материаллар ушбу жараёнларни амалга оширишда катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда комплекс хоссани намоён қилувчи материалларни ҳосил бўлиши ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш, синтез жараёнларини бошқариш орқали керакли таркиб, шунингдек комплекс ва селективлик хоссаларини намоён қилувчи полимер материаллар олиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада селективликни оширишнинг асосий йўли эса ионалмашув материалларни ташкил қилувчи полимер молекулалари таркибига ютилаётган маҳсулотга нисбатан мойиллиги юқори бўлган, функционал гуруҳларни махсус кетма-кетликда жойлаштириш, катта солиштирма сиртга эга бўлгани учун уларда сорбция ва десорбция жараёнларини юқори тезликда ўтказиш, атроф муҳитдаги ниҳоятда оз миқдорда бўлган заҳарли моддаларни тозалашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда импорт ўрнини босадиган термик ва кимёвий барқарор ионитларни синтез қилиш усулларини ишлаб чиқиш, уларнинг тузилиши ва хоссаларини аниқлаш, амалиётга татбиқ этиш бўйича муҳим натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, маҳаллий хомашё - полиакрилонитрил асосида импорт ўрнини босувчи, механик ва кимёвий барқарор поликомплексонлар олиш, уларнинг физик-кимёвий хоссалари замонавий таҳлил усуллари ёрдамида аниқлашга қаратилган самарали чора тадбирлар амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисидаги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси» Фармонлари ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тола кўринишидаги полиакрилонитрил (ПАН) дунёда энг кўп ишлаб чиқариладиган, турли соҳаларда кенг миқёсда ишлатиладиган кўп тоннажли полимер, шунинг учун илмий адабиётларда кўплаб ишлар унга бағишланган. Анионит, поликомплексонлар ҳосил бўлиши ва хоссаларининг физик-кимёвий жиҳатлари бўйича тадқиқотлар АҚШ, Россия, Хитой, Корея, Япония, Белоруссия ва бошқа давлатлар томонидан олиб борилган. ПАН ни модификациялаш, хоссаларини яхшилаш ва унинг ишлатилиш соҳаларини кенгайтириш борасида Е.Н.Зильберман, М.П. Зверев, Л.А. Вольф, В.С.Солдатов, С.А.Симанова, L.S.Wang, С.Е.Carraher, Б.Э.Геллер, Inamuddin Mohammad Luqman, ўзбек олимларидан К.С.Ахмедов, М.А.Асқаров, А.Т.Жалилов, Ў.Н.Мусаев, Ш.А.Қурбанов, Т.М.Бабаев, М.Г. Мухамедиев, Д.А.Гафурова, Н.Т.Каттаев ва бошқа олимларнинг олиб борган илмий изланишлари алоҳида аҳамиятга эга. Улар ПАН нинг нитрил гуруҳини кимёвий модификациялаш йўналишида олиб борган ўз илмий тадқиқотлари билан ионалмашувчи полимерлар синтези, физик-кимёвий хоссалари ҳамда ишлатилишдаги муаммоларни ҳал қилишга катта ҳисса қўшганлар.

Хозирда республикада ишлаб чиқариладиган полимерлар асосида анионит ва полиамфолитик гуруҳлар тутган янги турдаги толасимон поликомплексонлар олиш, физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш, махсус комплекс хоссага эга бўлган полимер материаллар яратишга катта эътибор қаратилмоқда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-7-23 «Маҳаллий сорбентлар ёрдамида мис ионларини оқава сувлардан ажратиш олиш технологияси», №ПЗ-20170925290+ПЗ-2017092965+ПЗ-20170927395 «Маҳаллий хомашё асосида ионитлар олиш ва уларни рангли ва камёб металлларни ишлаб чиқариш чиқиндиларидан ажратиш олиш учун қўллаш» (2018-2020 йй.) амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Полиакрилонитрил асосида азот ва фосфор гуруҳлар тутган полиамфолитлар олиш ҳамда уларнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

полиакрилонитрил толасини полиэтиленполиамин билан модификациялаб анионитлар олиш;

синтез қилинган анионитни фосфит кислота билан модификациялаб азот ҳамда фосфор тутган полиамфолит олишнинг мақбул шароитини аниқлаш;

синтез қилинган полиамфолитларнинг тузилишини ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш;

сунъий эритмалардан полиамфолит иштирокида  $\text{Cu(II)}$  ионини ютилиш кинетикаси ва термодинамик функцияларини аниқлаш;

полиамфолит ёрдамида эритмадан  $\text{Cr(VI)}$  ионини ютилишининг кинетик параметрларини ўрганиш;

синтез қилинган сорбентларни реал объектларда синаб кўриш ва амалиётга тадбиқ этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида полиакрилонитрил толаси, анион алмашувчи ва комплекс ҳосил қилувчи материаллар ва турли хил рангли металл тузлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** полимерни кимёвий модификациялаш, сорбция ва десорбция жараёнлари кинетикаси ҳамда термодинамикасини аниқлаш ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида ИҚ-, УБ-спектроскопия, рентгенография, дифференциал термик таҳлил, потенциометрия каби замонавий назарий ва экспериментал тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор полиакрилонитрил асосида олинган анионитни фосфит кислота билан модификациялаб янги ионитлар олинган;

синтез қилинган ионит полиамфолитик табиатга эга бўлиб, таркибида ҳам азот, ҳам фосфит гуруҳлари борлиги исботланган;

полиамфолитга  $\text{Cu(II)}$  ионлари сорбцияси ишқорий муҳитларда ион ва координатсион боғланиш ҳисобига, кислотали муҳитларда эса фақат координатсион боғлар ҳисобига бориши аниқланган;

илк бор саноат маҳсулоти бўлган аммоний-тетрамолибдат эритмасидан мис (II) ионларини ажратиб олишда фосфор тутган поликомплексонлардан фойдаланиш мумкинлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

илк бор ППА-1 анионалмаштирувчи толасимон собентлари асосида янги ППФ-1 полиамфолитлари олинган;

полимер ташувчиларга органик реагентларни иммобиллашда асосида фотометрик ва сорбцион-фотометрик усуллар ёрдамида оғир ва заҳарли металлларни аниқлашнинг сорбцион-фотометрик усуллари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Полиакрилонитрил асосида синтез қилинган полиамфолитларнинг ҳосил бўлиши ва хоссаларини тадқиқ қилиш орқали олинган натижалар ИҚ-спектроскопия, потенциометрия, спектрофотометрия каби замонавий усуллар ёрдамида натижалар олинганлиги шунингдек ионитларга турли ионларнинг сорбция кинетикалари ва термодинамикаларидан олинган натижаларнинг замонавий кампьютер технологияси ёрдамида ҳамда статистика усуллари билан математик таҳлил қилинганлиги уларнинг ишончли эканлигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ППА-1 анионити асосида полиамфолит материаллар олишнинг кинетикасини ва олинган полимерларни физик кимёвий

хоссаларини тадқиқ қилиш орқали жараён боришини бошқариш ва керакли хоссага эга бўлган ионитларни олиш мумкинлигини кўрсатиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган полиамфолитлар саноат корхоналари оқава сувлари таркибидан мис (II) ионларини ажратиб олиш учун, шунингдек саноат миқёсида ишлаб чиқариладиган аммонийтетрамолибдат маҳсулотини таркибини мис (II) ионларидан тозалаш ва эритмаларини концентрлашда ишлатилишига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Полиакрилонитрил толаси асосида олинган поликомплексонларнинг физик-кимёвий хоссаларини ва ишлатилиш соҳалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

фосфор тутган поликомплексонлар саноат маҳсулоти бўлган аммонийтетрамолибдат эритмасини металл ионларидан тозалаш усули «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖда амалиётга жорий қилинган («Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2020 йил 22 декабрдаги 63-481-сон маълумотномаси). Натижада, аммонийтетрамолибдат маҳсулотини таркибидаги кўшимча мис ионларидан тозалаш имконини берган;

поликомплексон ёрдамида ишлаб чиқилган сорбцион-спектроскопик усул «Muborak gazni qayta ishlash zavodi» МЧЖда амалиётга жорий қилинган («Muborak gazni qayta ishlash zavodi» МЧЖнинг 2020 йил 27 июндаги 478/GK-06-сон маълумотномаси). Натижада, атроф муҳит объектлари ва технологик материалларида мис ва никель ионларини тезкор аниқлаш имконини берган;

полиакрилонитрилни модификациялаб, синтез қилинган янги анионалмашувчи сорбентдан №А-12-53 «Атроф-муҳит объектларидан экотоксикантларни аниқлаш учун полимер ташувчиларга иммобилланган реагентлар асосида фотометрик ва сорбцион-фотометрик усуллари ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳада полимер материалларга органик реагентларни иммобиллашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 26 июндаги 89-03-2297-сон маълумотномаси). Натижада, оғир ва заҳарли металлларни аниқлашнинг сорбцион-фотометрик усулини ишлаб чиқиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 13 та, жумладан 6 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола республика, 3 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 104 бетни ташкил этади.



## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Азот ва фосфор тутган ионитларнинг олиниши ва физик-кимёвий хоссалари**»<sup>2</sup> номли биринчи бобида полиакрилонитрил (ПАН)ни кимёвий модификациялаш ёрдамида азот ва фосфор гуруҳлари сақлаган ионитлар олиш ва физик-кимёвий хоссалари, ўзига хос жиҳатлари, улар асосидаги чокланган полимерлар синтези ва улардан фойдаланиш истиқболлари кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган. Адабий маълумотлар умумлаштирилган ва илмий-таҳлил қилинган, улар асосида диссертация ишининг мақсади, вазифалари, долзарблиги ва муҳимлиги белгилаб берилган.


«**Полиакрилонитрил асосида N- ва P- тутган полиамфолит олиниши ва физик-кимёвий хоссалари**» номли иккинчи бобида полиакрилонитрил асосидаги янги азот ва фосфор тутган полиамфолитнинг синтези ва уларнинг сувли эритмаларда радикал полимерланиш жараёнини тадқиқ қилишга оид маълумотлар келтирилган.

ППФ-1 сорбентини олиш реакциясида дастлаб гидроксилламин (ГА) билан қисман ишлов берилган, яъни фаол ҳолатга келтирилган ПАН толаси ишлатилди. Бунда ГА билан модификацияланган толанинг НСІ бўйича ион алмашув сиғими 1,0 мг-экв/г га тенг бўлган. Сўнгра ПЭПА иштирокида реакция 373К ҳароратда 3 соат давомида олиб борилган, ҳосил бўлган анионитга фосфит кислотанинг 60% ли эритмаси билан 353-373К ҳароратларда, 1-7 соат вақт давомида реакция олиб борилди. Ушбу шароитда фосфит кислота билан модификацияланган полимер НСІ бўйича максимал 5,4 мг-экв/г статик алмашув сиғими (САС) NaOH бўйича максимал 5,8 мг-экв/г САС га эга бўлган.


ПАНни ПЭПА билан модификациялаш реакцияси қуйида кўрсатилган схема бўйича олиб борилди ва бу реакция натижасида ППА-1 сорбенти синтез қилинди. Адабиётлардан маълумки, ПАНдаги нитрил гуруҳ электрофил табиатга эга бўлиб, ўз навбатида эса ПЭПА даги аминогуруҳ азот атомининг электрон жуфти туфайли нуклеофил табиатга эга бўлади. Шу сабабдан қуйида кўрсатилган реакцияда нуклеофил -CN гуруҳининг электрофил >NH гуруҳи билан таъсирлашиши кузатилади. Албатта бу жараёнда кўрсатилганидан ташқари бошқа жараёнлар ҳам кетиши мумкин, аммо бу жараённинг умумий моҳиятига таъсир қилмайди.

---

<sup>2</sup> Муаллиф кимё фанлари доктори, профессор М.Г.Мухамедиевга илмий маслаҳатлари ва кимё бўйича фалсафа доктори (PhD) Д.Н.Шахидовага амалий ёрдамлари учун миннатдорчилик билдиради.



Кейинги босқичда ПАН ва ПЭПАнинг реакциясидан ҳосил бўлган маҳсулотга формальдегид ва фосфит кислота билан ишлов берилди ва натижада ППФ-1 полиамфолит табиатли сорбент синтез қилинди. Адабиётлардан маълумки, формальдегид-фаол электрофил, фосфит кислота эса (ўз тузилишидан келиб чиққан ҳолатда) фосфор атомидаги электрон жуфт туйфайли нуклеофил ҳисобланади. Биринчи босқичда ҳосил бўлган полимерда иккиламчи аминогурӯхлар борлиги учун уни айнан шундай модификациялаш жараёни кетиши мумкин деб тахмин қилинди:




Ҳосил бўлган полимер таркибидаги янги функционал гуруҳларни аниқлаш алоҳида шароитларни тақазо этади ва у бир қатор қийинчиликлар туғдиради, шунинг учун ионалмашинувчи материалларни циан гуруҳини алмашиниш даражасини тавсифлаш учун статик алмашув сиғимини (САС) аниқлаш усулидан фойдаландик. Полимерларни кимёвий ўзгартириш жараёнида айланиш даражаси сифатида синтез қилинган сорбентларнинг статик алмашув сиғими (САС) қиймати HCl ва NaOH нинг 0,1N эритмалари ёрдамида аниқланди.

1-жадвал

Синтез қилинган ППФ-1 сорбентининг САСига ҳароратнинг таъсири  
( $m_1=2$  г)


Ҳарорат, К	САС, мг-экв/г	$m_2$ , г. реакциядан кейинги масса	Масса ортиши, %
353	2,8	2,4	5
363	4,5	2,9	45
373	5,8	3,25	62,5

ППА-1 толасини фосфит кислота билан кимёвий модификациясининг мақбул ҳароратини аниқлаш учун модификациялаш жараёнининг кинетикасини 353, 363, 373К ҳароратларда ўрганилди. 1 - 2- расмларда ва 1 - жадвалларда модификацияланган толанинг САСига реакция бориш вақтининг давомийлиги, ҳарорат ва фосфит кислота концентрацияси таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган.



1-расм. ППФ-1 сорбенти САСнинг реакциянинг бориш вақти ва ҳароратга боғлиқлиги.


([H<sub>3</sub>PO<sub>3</sub>]=40%; (T=353 (1); 363 (2); 373 (3) K)



2-расм. ППФ-1 сорбенти САСини H<sub>3</sub>PO<sub>3</sub> концентрациясига боғлиқлиги.

(T=373K, [H<sub>3</sub>PO<sub>3</sub>]=40%(1), 50%(2), 60%(3))

ППА-1 ни фосфит кислота билан модификациялаш жараёнида олинган кинетик маълумотлардан фойдаланиб ушбу реакция учун фаолланиш энергияси ҳисобланди. 3-расм.



3- расм. lgV ни 1/T га боғлиқлиги. [H<sub>3</sub>PO<sub>3</sub>]=60%, τ=5 соат.


Юқорида кўрсатилган маълумотлардан келиб чиқиб Аррениус тенгламаси бўйича фаолланиш энергияси ҳисобланди:

$$\ln k = \ln A \cdot \frac{-E_a}{RT}$$

$$tg\alpha = \frac{\Delta \ln V}{\Delta(1/T)} = \frac{\Delta \ln k}{\Delta(1/T) \ln 10} = \frac{-E_a}{R \ln 10}$$

$$E_a = -R \ln 10 \cdot tg\alpha = 48,7 \text{ кЖ/моль}$$

ППА-1 ни фосфит кислота билан модификацияланиш реакцияси гетероген жараён бўлиб, бундай жараёнларда реакция тезлиги фақат суюқ ёки газсимон фазадаги модда концентрациясига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ППА-1 ни фосфит кислота билан кимёвий модификациялаш кинетикасидан олинган натижалар асосида фосфит кислота концентрацияси бўйича реакция тартиби ҳисобланди. Олинган натижалар 4-расмда келтирилган.



**4-расм. lgV ни lgC га боғлиқлиги.**  
 $[H_3PO_3]=60\%$ ,  $\tau=5$  соат.

$$lgV = n \cdot lgC + lgk$$

$$tg\alpha = \frac{\Delta lgV}{\Delta lgC} = n = 0,9$$

$H_3PO_3$  кислота бўйича реакция тартибини юқорида келтирилган чизмадан тўғри чизиқнинг қиялик бурчак тангенсидан топилди ва унинг қиймати 0,9 ташкил қилди.

ППА-1ни  $H_3PO_3$  билан ўзаро таъсирлашиш реакция тезлик тенгламаси кўйидаги кўринишга эга бўлади.

$$V=K [H_3PO_3]^{0,9}$$

Шундай қилиб, ППА-1 анион алмаштирувчи сорбентини фосфит кислотаси билан модификациялаш кинетикасини тадқиқ этиш натижасида қулай реакция шароит аниқланди ва HCl бўйича 3,8 мг-экв/г ва NaOH бўйича 5,8 мг-экв/г САСга тенг бўлган анион ва катион алмаштирувчи гуруҳлар тутган полиамфолит синтез қилинди. Бу натижага фосфит кислота концентрацияси 60%, ҳарорат 373К, реакция давомийлик вақти 5 соат, формалин концентрацияси 39% бўлган шароитларда эришилди.

Синтез қилинган полиамфолит ПАН ни эритувчиларида, органик эритувчиларда, кучли кислота ва асосларда эримади, бу эса полимер модификацияланиш натижасида тикилган ҳолатга ўтганлигидан далолат беради. Синтез қилинган полимернинг кимёвий тузилишини тавсифлаш учун унинг ИҚ-спектри, электрон сканирловчи микроскопда олинган микрофотографияси ва элемент анализи таҳлил қилинди ва намуналарини потенциометрик титрлаш орқали полиамфолит ва сувли муҳит орасидаги ион мувозанати текширилди.


Олинган ионалмашувчи материалнинг ионоген гуруҳларининг тавсифлаш мақсадида потенциометрик титрлаш ўтказилди. Титрлашни алоҳида тортимлар усулида статик шароитда амалга оширилди ва бунда  $[H^+]$  ва  $[OH^-]$  ионларининг концентрацияси сорбент тортимлари устига ҳар хил миқдордаги 0,1N HCl ва NaOH ларни 0,1N NaCl даги эритмасини кўйиш йўли билан ўзгартирилди. Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, анионалмашув титрлашнинг эгри чизиғи  $[H^+]=3,0$  мг-экв/г да кескин сакраган. Шунингдек кичик сакрашлар ҳам кузатилмоқда. Ушбу маълумотлар анионит таркибида икки хил асослиликка эга функционал гуруҳларнинг мавжудлиги тўғрисида далолат беради. Катион алмашув титрлаш натижаларидан  $[OH^-]=5,3$  мг-экв/г да

максимум кузатиляпти. Бу сорбент таркибида кислотали  $-P(O)(OH)_2$  гуруҳлар борлигини яна бир бор исботлайди.

Синтез қилинган толали сорбентларнинг кимёвий барқарорлиги ҳар хил муҳитда ва ҳар хил шароитда ўрганилган. Ўрганилаётган сорбентларнинг турли хил воситаларга, шу жумладан кучли оксидловчиларга нисбатан барқарорлигини тавсифлаш учун умумий қабул қилинган синов усуллари ишлатилган. Сорбент намуналари ҳар хил кислоталар ва асосларнинг эритмасида турли ҳароратларда 10 дан 48 соатгача сақланди. Уларни кимёвий реагентлардан тозалагандан сўнг, САС қиймати аниқланди. Натижада ПАН толасини ПЭПА ва фосфит кислотаси иштирокида синтез қилинган ППФ-1 поликомплексони кучли оксидловчилар таъсирига чидамли эканлиги аниқланди.

*Полиакрилонитрил асосидаги ППА-1 ва ППФ-1 сорбентларини капилляр-говак тузилишини ўрганиш.* ППА-1 ва ППФ-1 ионалмашувчи толаларнинг солиштирма юзаси ва ғоваклар ўлчами қийматлари бензол буғларини сорбциялаш орқали ўрганилди.

Бошланғич ва модификацияланган ионалмашувчи толаларга 298К ҳароратда бензол буғларини сорбция изотермаси 5-расмда келтирилган. Расмдан куришиб турибдики, ўрганилаётган тизимлар учун сорбция изотермаси “классик” I типли изотермага мос келади.



5-расм. ПАН (1) ва ионалмашувчи толалар ППА-1 (2), ППФ-1 (3) ларга бензол буғларини сорбция изотермалари.  $T=298K$ .

2-жадвалда ПАН ҳамда синтез қилинган ППА-1 ва ППФ-1 толаларини капилляр-говакли структурасининг маълумотлари келтирилган.

2- жадвал

**ПАН, ПАН-ПЭПА, ППФ-1 ионалмашувчи толаларнинг капилляр-говакли структураси тавсифлари**

Дастлабки ва модификацияланган толалар	$S_{\text{сол}}, \text{ м}^2/\text{г}$	$r, \text{ \AA}$	$W, \text{ см}^3/\text{г}$
ПАН	30	9,69	1,1738
ППА-1	15,7	8,62	0,6762
ППФ-1	13,6	8,62	0,5905

Дастлабки ва модификацияланган толанинг ғоваклар радиуси бир оз фарқ қилади, лекин модификацияланган тола ғовакларининг умумий ҳажми деярли

икки баробарга камаяди, гарчи синтез жараёнида толанинг сорбцион параметрлари ( $S_{\text{сол}}$ ,  $r$ ,  $W$ ) камайсада, уларнинг қиймати донатор сорбентларга нисбатан юқори бўлиб қолаверади.

*Полиакрилонитрил асосидаги ППА-1 ва ППФ-1 сорбентларини тўр параметрларини баҳолаш.* Маълумки, макромолекулалар тўр параметрларини баҳолаш учун бўкиш жараёни энг «яхши» эритувчида ва мувозанат шароитларида, яъни  $\Delta\mu=0$  да ўрганилади. «Яхши» эритувчи сифатида диметилформаид (ДМФ)дан фойдаланилди.

Таъкидлаш лозимки, синтез қилинган ППФ-1 сорбенти ППА-1 сорбентига қараганда анча тез бўкади. Бу эса унинг таркибида функционал гуруҳлар сони кўплигидан далолат беради.

3-жадвал

**Ионалмашувчи толалар фазовий тўрининг баъзи характеристикалари**


Сорбент	Гель фракция, %	$g_{2m}$	$M_c$	$n_c^* \cdot 10^{-3}$ , моль/см <sup>3</sup>	$V_c \cdot 10^{-4}$ , см <sup>3</sup> /моль	$v_c$ , моль/см <sup>3</sup>	$N_c \cdot 10^{20}$ , (см <sup>3</sup> ) <sup>-1</sup>	$n$
ППА-1	94	1,1	641	1,8	8,83	559	4,69	107
ППФ-1	90	1,5	571	1,7	12,8	600	10	120

Бу ерда,  $M_c$ - чокланган полимер фаол занжирининг ўртасанок молекулалар оғирлиги;  $n_c^*$ - чокланган полимер ҳажм бирлигидаги фаол занжирлар моль сони, моль/см<sup>3</sup>;  $V_c$ - фаол занжирнинг эффектив моль ҳажми, см<sup>3</sup>/моль;  $v_c$ - намунадаги фаол занжирлар моль сони, моль/см<sup>3</sup>;  $N_c$ - чокланган полимер ҳажм бирлигидаги фаол занжирлар концентрацияси, (см<sup>3</sup>)<sup>-1</sup>;  $n$ - тўрнинг зичлиги. Бу ерда  $\chi$ - полиакрилонитрил - ДМФ системаси учун Флори-Хаггинс параметри.  $\chi$  ўрнига нитроннинг диметилформаиддаги эритмаси келтирилган қовушқоқлигининг эритма концентрациясига боғлиқлик графигидан топилган Хаггинс константаси  $K$  дан фойдаландик.  $K$  нинг қиймати 0,29 ни ташкил қилди.  $M_c$  қийматини топгач чокланиш даражаси, яъни фазовий тўр тугунлари орасидаги бўлакларнинг ўртача сонини ҳисоблаш мумкин.


*ППФ-1 поликомплексонига Cu(II) ионларининг сорбцияси.* ППФ-1 сорбентини мис ионларини сорбциясига тавсия этиш мақсадида ушбу металл иони сорбциясини статик шароитда ўрганилди. Бунинг учун CuSO<sub>4</sub> тузининг сувли эритмасидан фойдаланилди. Сорбция жараёни ППФ-1 полиамфолитнинг 2 хил NaOH (ППФ-1К) ва HCl (ППФ-1А) билан фаоллаштирилган ҳолатларида ҳам олиб борилди.

6-7 расмларда ППФ-1А сорбентига Cu<sup>2+</sup> ионлари сорбциясининг кинетик эгри чизиклари келтирилган. Эгрлардан кўриниб турибдики, сорбентнинг тўйиниши бошланғич босқичларда тез кетади, кейин жараён секинлашади. Сорбция кинетикаси 293, 303, 313К ҳароратларда ўрганилди.


Олинган натижалар асосида сорбция изотермаси тузилди. Кейинги графикда турли ҳароратларда ППФ-1А поликомплексонига Cu<sup>2+</sup> ионлари сорбция изотермаси келтирилган. Графикдан куришиб турибдики, бошланғич эритмадаги Cu<sup>2+</sup> ионлари концентрацияси ва ҳароратини ортиши ионларнинг сорбциясини оширади.



6-расм. ППФ-1А сорбентига  $\text{Cu}^{2+}$  ионларининг сорбцияланиш кинетикаси. 0,125 М (1); 0,25 М (2); 0,50 М (3); 0,75 М (4).  $T=303\text{K}$




7-расм. ППФ-1А сорбентига  $\text{Cu}^{2+}$  ионларининг сорбцияланиш кинетикаси. 0,125 М (1); 0,25 М (2); 0,50 М (3); 0,75 М (4).  $T=313\text{K}$



8-расм. ППФ-1А сорбентига турли ҳароратларда  $\text{Cu}^{2+}$  ионларининг сорбция изотермаси. (1) 293 К, (2) 303 К, (3) 313 К.

Сорбция изотермасини тавсифлаш учун Ленгмюр тенгламасидан фойдаланилди.


Ленгмюр тенгламаси координаталарида турли ҳароратда ППФ-1А сорбентига  $\text{Cu}^{2+}$  ( $K_{\text{боғл}}$ ) ионларининг боғланиш константасини ҳисоблашга ҳаракат қилинди.



9-расм. ППФ-1А сорбентига  $\text{Cu}^{2+}$  ионларининг сорбция изотермаси. (1) 293 К, (2) 303 К, (3) 313 К.

Изотермадан кўришиб турибдики, турли ҳароратларда  $\text{Cu}^{2+}$  ионларининг ППФ-1А сорбентига ютилиш жараёни Ленгмюрнинг мономолекуляр сорбциясига бўйсинади.

Худда шундай  $\text{Cu}^{2+}$  ионларини ППФ-1К катионитига ютилиш жараёнига ҳарорат, дастлабки эритмадаги  $\text{Cu}^{2+}$  ионлари концентрацияси ва сорбцияланиш вақти давомийлиги таъсири ўрганилди.



**10-расм. ППФ-1К сорбентига ионалмашинувчи сорбентга  $\text{Cu}^{2+}$  ионларининг ютилиш кинетикаси.**  
 $T=303$  (1),  $313$  (2),  $323$  (3)К,  $C=1\text{г/л}$ .

10-расмда ППФ-1К сорбентга  $\text{Cu}^{2+}$  ионларининг сорбцияси кинетик эгри келтирилган. Графикдан кўринадики, сорбентнинг бошланғич босқичларда тўйиниши тез кечади, кейин жараён секинлашади. Кинетика сорбцияси 303, 313, 323 К ҳароратда ўрганилди.

*ППФ-1А ва ППФ-1К сорбентларига  $\text{Cu(II)}$  ионлари ютилиш жараёни термодинамик функцияларини ўрганиши*

Сорбентларга  $\text{Cu(II)}$  ионларининг адсорбцияси жараёни маълумотлари асосида термодинамик функцияларнинг ўзгариши ҳисоблаб чиқилди.

Олинган натижалар 4-жадвалда келтирилган.

**4-жадвал.**

**ППФ-1 сорбентига  $\text{Cu}^{2+}$  ионларининг сорбциясида термодинамик функцияларнинг ўзгариши**

T, К	$\Gamma_{\infty}$ моль/г	K	$-\Delta G$ , Ж/моль	$\Delta H$ , Ж/моль	$-\Delta S$ , Ж/моль·К
ППФ-1А анионити учун					
293	18,7	45,25	-78067,2	605109,54	2331,66
303	49	137,85	-101384		
313	96	304,47	-124700		
ППФ-1К катионити учун					
303	4,2	9,73	49261,6	533617,46	1923,69
313	9,4	27,75	68498,5		
323	14,7	46,88	87735,5		

Жадвалдан кўришиб турибдики, демак мис ионларининг натрий ионларига алмашилиш жараёни ўз-ўзича, эркин энергиянинг, энтальпиянинг камайиши ва система энтропиясининг ортиши билан боради.

*Динамик шароитда  $\text{Cu(II)}$  ионлари сорбциясини ўрганиши*

Маълумки, атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг асосий муаммоларидан бири бу саноат оқава сувлари ва ичимлик суви манбаларини Zn, Cr, Cu ва бошқа зарарли металл ионларидан тозалаш ҳисобланади. Толасимон ионалмашинувчи материалларнинг мунчоқсимон материаллардан устунлиги, маълумки уларнинг юқори фаол сиртга эга эканлиги билан белгиланади ва бу ионларни сорбция ва десорбция жараёнларини юқори тезликда амалга ошишига сабаб бўлади.



Толасимон сорбентлар шунингдек металл ионлари сорбцияси динамик шароитда борадиган ишлаб чиқаришларда қўлланилади. Шунинг учун сорбент хусусиятлари динамик усулда ўрганилди.

Мис ионларидан оқова сувлар ва технологик эритмаларни тозалаш учун сорбентни тавсия этиш учун мис ионларини сунъий эритмалардан динамик шароитда сорбциялаш учун техник режим ишлаб чиқилди. Бунинг учун сорбент колонкага 0,2 г/см<sup>3</sup> зичликда жойланди, 0,1 N NaOH эритмаси билан фаоллаштирилди ва 0,1 г/л концентрацияли CuSO<sub>4</sub> эритмаси ўтказилди. Сорбентнинг Cu(II) ионлари бўйича динамик алмашинув сиғими (ДАС) эритма рН=4,2 бўлганда 175 мг/г ва рН=12 бўлганда 330 мг/г га тенг бўлди. Олинган маълумотлардан сорбентга мис ионларининг ютилиши эритма рН ига боғлиқ ва мис ионларининг ион ҳолати билан белгиланиши аниқланди. Мис ионлари сорбцияси кислотали муҳитда, яъни рН=4,2 да ДАС=175 мг/г ташкил этди. Бунда, ушбу шароитларда мис сорбцияси ППФ-1 сорбентининг аминогуруҳлари билан хелат ҳосил қилиш натижасида содир бўлади. Бу эса юқорида келтирилган маълумотларни исботлайди.

*ППФ-1 сорбентининг регенерация хусусиятларини ўрганиш.* Сорбцион материаллардан амалда фойдаланиш учун сорбентнинг регенерация цикли жуда муҳимдир.

Сорбент регенерацияси 0,5 N ли H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> эритмаси билан амалга оширилди. Сорбент юқори кимёвий барқарорликка эга эканлигини ва уни кўп марта ишлатиш мумкинлиги аниқланди. Қуйидаги жадвалда 10 марта сорбция – десорбция жараёнида ДАС 9 фоизга ўзгарган.

5-жадвал

**ППФ-1 сорбентининг мис (II) ионлари бўйича ДАСига регенерация циклининг таъсири (C=0,1 г/л).**

ДАС, мг/г	Регенера- циягача	Регенерациядан кейин									
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
<b>Cu<sup>2+</sup> бўйича</b>	330	327,5	320	316	310	310	310	309	306	300	300

Шундай қилиб, полиакрилонитрилни модификациялаб олинган ППФ-1 сорбентини мис ионларидан оқова сувларни тозалашда ва технологик эритмаларни концентрлаш жараёнларида қўллаш мумкин.

6-жадвалда сорбент ДАСига Cu<sup>2+</sup> эритма концентрацияси ва эритмани ППФ-1 сорбентли колонкадан ўтиш тезлигига боғлиқлиги таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган.

Шундай қилиб, ППФ-1 сорбентининг сорбцион қобилияти эритмани ўтиш тезлиги 3-4 марта оширилса ҳам амалда юқори бўлиб қолаверди ва сув тозалаш шароитларида мос келиши мумкин.

ПАН асосида олинган полиамфолитга Cu(II) ионининг сорбция жараёни турли муҳитларда ўрганилди. Сорбция жараёнини текшириш мақсадида рентгенофлуоресцент анализ (Rigaku NEX CG EDXRF Analyzer with Polarization in set- 9022 19 000 0) таҳлили ўтказилди. Олинган натижалардан шуни кўришимиз мумкинки ПАН асосида олинган полиамфолитга Cu(II) ионининг

алмашилиш жараёнига муҳит муҳим омил ҳисобланади. Бунда кислотали муҳитда  $\text{Cu(II)}$  ионининг алмашилиш даражаси 56.3% ни, ишқорий муҳитда эса 81.7% ни ташкил этган. Бунга сабаб муҳит кислотали бўлганда мис(II) ионининг алмашилиш жараёнида  $-\text{PO}_3\text{H}_2$  гуруҳига нисбатан бир мунча фаол бўлган  $-\text{NH}$  функционал гуруҳ билан координацион боғ ҳосил қилган ҳолда ютилмоқда. Ишқорий муҳитда эса фаол ҳолатдаги  $-\text{PO}_3\text{H}_2$  функционал гуруҳ билан мис(II) иони ўзаро ион боғ,  $-\text{NH}$  функционал гуруҳи билан координацион боғ ёрдамида бирмунча барқарор комплекс бирикма ҳосил қилишни кузатиш мумкин.


### 6-жадвал

**ППФ-1 сорбенти ДАСига бошланғич эритма концентрацияси ва колонкадан ўтиш тезлигининг таъсири ( $\text{HCl}$  бўйича  $\text{CAC}=4,5$  мг-экв/г)**


Мис (II) концентрацияси, г/л	Эритманинг ўтиш тезлиги, мл/дақ.	ДАС $\text{Cu}^{2+}$ бўйича мг/г	Эритма рН и
1,0	6	220	12
0,5	6	250	12
0,1	6	330	12
0,5	2	320	12
0,5	4	310	12
0,5	6	250	12
1,0	5	160	4,2
0,5	5	167,5	4,2
0,1	5	175	4,2

Юқоридаги олинган натижалар асосида полиамфолитга  $\text{Cu(II)}$  ионларининг сорбциясини қуйидагича тасвирлаш мумкин:

ППФ-1 сорбентининг кислоталик муҳитда  $\text{Cu}^{2+}$  ионлари билан комплекс ҳосил қилиш схемаси:



ППФ-1 ишқорий муҳитда  $\text{Cu}^{2+}$  ионлари билан комплекс ҳосил қилиш схемаси:




ПАН асосида олинган полиамфолитга  $\text{Cr(VI)}$  ионлари сорбция жараёни кинетикасини ўрганиш. Атроф муҳит муҳофазасини асосий муоммоларидан бири ҳисобланган саноат оқава сувлари ва ичимлик сувини заҳарли металл билан ифлосланиши. Энг долзарб муаммолардан бири бу саноат корхоналари ташландиқ ва оқава сувларини  $\text{Cr(VI)}$  ионларидан тозалашдир. Чунки бу ионлар кучли оксидловчилар жумласига киради ва организмга тушса ҳаёт учун муҳим органлар бўлмиш буйрак, жигар ва бош мия фаолиятига акс таъсир этади.

Ушбу муаммоларни ечиш мақсадида ПАН асосида олинган полиамфолитга  $\text{Cr(VI)}$  ионлари сорбцияси ўрганилди. Сорбция жараёнига вақт, ҳарорат ва бошланғич эритмадаги  $\text{Cr}_2\text{O}_7^{2-}$  ионлар концентрацияси таъсири ўрганилди.

Сорбция жараёни 70 минут давомида 293, 303, 313K ҳароратда олиб борилди. Кузатишлар шуни кўрсатдики тола билан эритма орасида сорбцион мувозанат 10-15 дақиқа давомида ўрнатилган. Бошланғич эритмада  $\text{Cr}_2\text{O}_7^{2-}$  ионлари концентрацияси ва ҳароратни ортиши сорбент томонидан ионларни ютилишини ортишига олиб келади. Бу эса сорбция жараёни асосан кимёвий адсорбция ҳисобига содир бўлишидан далолат беради.

ППФ-1 сорбентига  $\text{Cr(VI)}$  ионларини ютилиш жараёнида термодинамик функцияларни ўзгаришини тавсифлаш мақсадида олинган натижалар асосида бихромат ионларини ППФ-1 сорбентига ютилиш жараёнининг изотермасини куйидаги кўринишда бўлди.



11-расм. ППФ-1 ионалмашинувчи полиамфолитга турли ҳароратларда бихромат ионларининг сорбция изотермаси  
 $T=293$  (1),  $303$  (2),  $313$  (3) K

ППФ-1 сорбентига бихромат ионларининг ютилиш изотермасидан жараён Ленгмюрнинг мономолекуляр адсорбиланиш назариясига мос келганини кўришимиз мумкин.

Олинган натижалар 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал

**ППФ-1 толасига  $\text{Cr}_2\text{O}_7^{2-}$  ионлари сорбциясида термодинамик функцияларнинг ўзгариши**

Т, К	$\Gamma_\infty$ , ммоль/г	К, л/моль	$-\Delta G$ , Ж/моль	$\Delta H$ , кЖ/моль	$\Delta S$ , Ж/моль·К
293	5,37	4,49	30402,3	16,8	677,89
303	5,66	6,03	37181,1		
313	5,99	7,54	43959,9		

Жадвалдан кўришиб турибдики, адсорбциянинг мувозанат константа қиймати бирдан катта, бу ППФ-1 сорбенти  $\text{Cr}_2\text{O}_7^{2-}$  ионларини селектив ютиб олишидан далолат беради.

**«Полиакрилонитрилни кимёвий ўзгаришларини олиб бориш ва физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш услублари»** деб номланувчи учинчи бобида қўлланилган реактивларнинг тавсифи, полиамфолитларни синтез қилиш усуллари, олинган полимер сорбентларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилишда қўлланилган тадқиқот услублари келтирилган.

#### Хулосалар

1. Полиэтиленполиамин билан модификациялаб олинган полиакрилонитрил толасини фосфит кислотаси билан кимёвий ўзгартиришни тикувчи агент формалин иштирокида олиб бориш шароитлари тавсия этилди.

2. Полиакрилонитрилни полиэтиленполиамин ва фосфит кислотаси билан кетма-кет кимёвий ўзгартириш орқали янги комплекс хоссаларга эга бўлган ионит олиш таклиф этилди.

3. Синтез қилинган ионитнинг тузилишини ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш натижасида улар полиамфолит табиатга эга эканлиги, унинг таркибида ҳам азот, ҳам фосфит гуруҳлари борлиги билан изоҳланди.

4. Синтез қилинган полиамфолитларга сунъий эритмалардан  $\text{Cu(II)}$  ионини ютилиш кимёвий жараён бўлиб, бунга эса ютилиш кинетикаси ва термодинамик функциялар ўзгаришини аниқлаш натижасида эришилди.

5. Полиамфолитга  $\text{Cu(II)}$  ионлари билан сорбцияси ишқорий муҳитда ион ва координацион боғланиш, кислотали муҳитда эса координацион боғлар ҳисобига бориши билан изоҳланди.

6. Полиамфолит табиатли сорбентларга  $\text{Cr(VI)}$  ионларини кинетикаси ва термодинамик параметрлари таҳлил қилинди ва оқава сувларни ушбу ионлардан тозалаш учун тавсия этилди.

7. Синтез қилинган полиамфолит «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ ва «Muborak gazni qayta ishlash zavodi» МЧЖ лари амалиётига аммонийтетрамолибдат маҳсулотини таркибидаги қўшимча мис ионларидан тозалаш ва атроф муҳит объектлари ва технологик материалларида мис ва никель ионларини тезкор аниқлаш учун тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.09.2020.К.82.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**  

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**ОРЗИКУЛОВ БУНЁД ТОШМИРЗАЕВИЧ**

**ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА АЗОТ- И  
ФОСФОРСОДЕРЖАЩИХ ПОЛИКОМПЛЕКСОНОВ НА ОСНОВЕ  
ПОЛИАКРИЛОНИТРИЛА**

**02.00.06 – Высокмолекулярные соединения**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Чирчик – 2021**

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора химических наук зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.4.PhD/К300 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.cspi.uz.ilmiy-kengash](http://www.cspi.uz.ilmiy-kengash)) и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

Научный руководитель:

Гафурова Дилфуза Анваровна  
Доктор химических наук, доцент

Официальные  
оппоненты:

Каримов Махмуд Муродович

Доктор химических наук

Бекназаров Хасан Сойибназарович

Доктор технических наук

Ведущая организация:

Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «28» 09 2021 года в 16<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/30.09.2020.К.82.02 при Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области (Адрес: 111720, Ташкентская область, г.Чирчик, ул. Амир Темура, 104. Тел.:(0370) 716-68-05, факс(0370) 716-68-11; e-mail:tvchdpi\_k.kengash@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области (Адрес: 111720, Ташкентская область, г.Чирчик, ул. Амир Темура, 104. Тел.:(0370) 716-68-05, факс(0370) 716-68-11 (зарегистрирована за № 93).

Автореферат диссертация разослан «15» 09 2021 года.

(реестр протокола рассылки № 5 от 15.09 2021 года).



О.Э.Зиядуллаев

Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней  
д.х.н., доцент

Г.К.Отамухамедова

Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, PhD

А.С.Рафиков

Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению  
ученых степеней д.х.н., профессор

## **Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Актуальность и востребованность темы диссертации. Современные технологии широко используются в мире для стремительного развития промышленного производства и решения экологических проблем, при производстве конкурентоспособной и экологически чистой продукции. Особенно это проявляется при подготовке воды в промышленных масштабах, извлечении драгоценных и цветных металлов из технологических растворов, очистке сточных вод с использованием современных, в том числе ионообменных технологий. Ионообменные материалы имеют большое значение при реализации этих процессов из-за их экологической безопасности, низкой себестоимости, простоты использования и возможности повторного использования.

По миру проводятся научные исследования, нацеленные на получение полимерных материалов с требуемым составом, которые проявляют комплексные и селективные свойства, что достигается путём изучения образования и физико-химических свойств этих материалов и управления процессами их синтеза. В этой ситуации основным способом повышения селективности является размещение функциональных групп в особой последовательности, имеющих высокое сродство относительно поглощаемого продукта, к составу молекул полимера, составляющих ионообменный материал. Получение сорбентов с селективными свойствами на основе волокнистых материалов имеет ряд преимуществ. В частности, поскольку они имеют большую удельную поверхность, они обеспечивают высокую эффективность в высокоскоростных процессах сорбции и десорбции, а также при очистке чрезвычайно малых количеств токсинов в окружающей среде.

Повышение производительности металлургических предприятий - один из важных вопросов дальнейшего развития экономического потенциала Узбекистана. Это предусматривает новые, безотходные, экологически чистые процессы, позволяющие максимально и целенаправленно использовать существующие технологические мощности, а также комплексное выделение ценных компонентов из руд в виде товарных продуктов. В связи с этим достигнут ряд положительных результатов при разработке методов синтеза термически и химически стабильных импортозамещающих ионитов, определения их структуры и свойств, применение на практике. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан ставит задачи «производство готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местного сырья». В связи с этим важно принять эффективные меры по получению импортозамещающих механически и химически стабильных поликомплексонатов, на основе местного сырья - полиакрилонитрила, определения их физико-химических свойств с использованием современных методов анализа.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации задач, указанных в постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-5953 «О Государственной программе по реализации по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год развития науки, просвещения и цифровой экономики» от 2 марта 2020 года, ПП 4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, ПП-4265 «О мерах по дальнейшему реформированию химической отрасли и повышению ее инвестиционной привлекательности» от 3 апреля 2019 года, а также других нормативных правовых актах, связанных с этой деятельностью.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование проводилось в соответствии с приоритетными направлениями науки и технологии Республики Узбекистан VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

